(1710-1750)
(1733-1750)

Минг сулоласидан бўлган Кўкон хони. Шохрухбийнинг ўгли. Акаси Абдурахимбий вафот этгач (1733), тахтга ўтирган. Хонлик ўрдасини Кўкон якинидаги Тепакўргондан Кўконга кўчирган. 1746-йил Оъратепа хокими Фозилбий ёрдамида Калмоклар хужумини кайтарган. Абдулкаримбий Кўкон шахрида сарой, мадраса, бозор ва Исфара, Катагон, Маргилон, Тошкент, Хайдарбек номли шахар дарвозаларини курдирган.
Акаси вафот этгач хукмдор этиб тайинланади, у Кўконга кўчиб боради ва уни кайтадан куради. 1746-йилда хитойликлар Кошгарни босиб оладилар ва жунгор давлатини тор-мор киладилар, калмик кўчманчиларининг бир кисми гарбга юриб, Фаргона водийсига бостириб кирадилар. Абдукарим калмикларга карши Кипчок бачча бошчилигида кўшин юборади, лекин у ўлдирилади. Унинг ишонган кўшини эса кочиб кетади, натижада калмиклар Кўконга якинлашиб коладилар. Ўратепа хони Фозилбий (Содикбийнинг ўгли ва Абдукаримнинг аталган ўгли) буни билиб колиб, кўшин билан ёрдамга келади. Конли жанглардан сўнг калмиклар Кўкондан чекинадилар. Абдукарим 1750-йилда 40 ёшида вафот этади, Кўкон хонлиги тахтига эса унинг ўгли Абдурахмон ўтиради.
У ўз пойтахтини Тепакўргондан Кўкон шахри ўрнига кўчиради. У Кўконнинг Эски ўрда деган жойида ўрдакалъа курдиради. Атрофини шахар килиб, девор билан ўратади. Ўшанда Кўконнинг Катагон, Маргинон, Тошканд, Хайдарбек деган тўрт дарвозаси бўлган.
Абдулкаримхон ўз давлатини мустахкамлашга, халк фаровонлигини оширишга интилди. 1745-1746-йиллари калмоклар Фаргона водийсига хужум килиб Ўш, Андижон, Маргилон шахарларини босиб олиб, Кўкон остоналарига келиб пойтахтни камал киладилар. Кўконликлар огир ахволга тушиб колганда Ўратепа хокими Фозилбек кўшинлари билан бирга калмокларга ёрдамга етиб келади ва хоинлар хам тор-мор этилади. Шу тарика, фаргона водийси душмандан озод килинади.